

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

## Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2014 йил 13 июнь • № 23 (992)

### Семинар

Жиззах вилояти

## НАЗОРАТ, МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК ҲИССИ семинар иштирокчилари эътиборида бўлди



Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан республика миқёсида ўтказилаётган семинарлар бирламчи тизим фаолиятига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир. Шу кунга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Бухоро, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида бўлиб ўтган семинарларда мазкур тизимга оид турли мавзулар кенг қамраб олинди. Бу амалдаги ишлар самарасини кўрсатибгина қолмай, балки ундаги хато ва камчиликларни ҳам юзага чиқарди, десак муболаға бўлмайди.

Семинардан кўзланган асосий мақсад, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини-

да амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини яхшилаш, шунингдек, даволаш-профилактика

муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштиришдан иборат бўлиб, юқорида тилга олиб ўтилган вилоятлар миқёсида ана шу масалалар кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг 9 июнь куни Жиззах вилоятида "Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш масалалари" бўйича республика семинари бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлари, Тошкент шаҳри ва вилоятлари соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг умумий масалалар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосарлари, амбулатор-поликлиника хизмати бўйича бош мутахассислари, Жиззах ва Сирдарё вилояти шаҳар тиббиёт бирлашмалари, туман тиббиёт бирлашмалари бошлиқлари ва кўп тармоқли марказий поликлиника мудирилари, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари репродуктив саломатлик



ва перинатал марказлар директорлари, Жиззах вилояти туғруқ мажмуалари бош шифокорлари, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти ва унинг вилоят филиаллари раҳбарлари, ҚВП координаторлари ва кўп тармоқли марказий поликлиника мудирилари, оилавий поликлиника бош шифокорлари қатнашдилар.

Семинарда Жиззах вилояти ҳокими Сайфиддин Исмоилов ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов тадбирни кириш сўзи билан очди ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб, бўлиб ўтаётган ушбу семинарларнинг аҳамияти тўғрисида ўз фикрини билдирди. Шунингдек, ягинда пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда озиё-овиат (Давоми 2-бетда).

### Матбуот анжумани

## ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРГА ЧАЛИНМАСЛИКНИНГ ОСОН ЙЎЛИ

ўз вақтида эмланишдир

12 июнь куни пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "Аҳолини юқумли касалликлардан муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, бунда давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, барқарор эпид ҳолатни сақлашдаги эътибор ва гамхўрлик масалалари" мавзусидаги навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда иштирок этган Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Сайдмурод Сайдалиевнинг таъкидлашича, мамлакатимизда юқумли касалликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар натижасида аҳоли ўртасида юқумли касалликлар бўйича эпидемик вазиятнинг барқарорлиги таъминлаб келинмоқда. Натижада карантин ва хавфли юқумли касалликлар, бундан ташқари, дифтерия, полиомиелит, қоқшол, қизамиқ ва қизилча касалликлари қатор йиллар мобайнида

рўйхатга олинмади. Шунингдек, безгак касаллигига қарши Глобал жамғарма лойиҳаси амалиётга татбиқ этилиши натижасида, юртимизда 2000 йилдан касалликнинг динамикасида кескин пасайиш кузатилиб, 2009 йилдан ҳозирги кунгача бу касаллик умуман қайд этилмади.

– Юқумли касалликлар бўйича барқарор эпидемик вазиятни сақлаб туришда давлатимиз чегараларида фаолият кўрсатаётган санитария нazorати пунктлари муҳим аҳамият касб этади, – дейди вазирликнинг санитария-эпидемиология нazorати Бош бошқармаси бошлиғи Комил Муҳаммедов. – Мутахассислар томонидан рес-

публика ҳудудига четдан кириб келиши ва тарқалиши мумкин бўлган юқумли касалликларнинг олдини олиш билан бир қаторда, хориж давлатларидан олиб кириладиган озиқ-овқат ва бошқа барча турдаги халқ истеъмоли молларининг сифат ҳамда хавфсизлиги нazorат қилинмоқда. Санитария нazorати пунктлари фаолиятини янада яхшилаш мақсадида ҳозирда 5 та халқаро аэропортда замонавий тепловизорлар ўрнатилди, тана ҳароратини ўлчаш учун 235 донa контактсиз термометрлар берилиб, ҳар йили ўртача 6 миллион нафардан зиёд фуқаро санитария нazorати пунктлари орқали ўтиши таъминланмоқда.

Анжуманда қайд этилганидек, юқумли касалликларга қарши курашда эмлаш ишларини ҳам юқори савияда ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда миллий эмлаш календари асосида юртимизда 10 та юқумли касалликка қарши эмлаш тад-



бирлари ўтказиб борилмоқда. Профилактик эмлаш календарига боланинг 2-3-4 ойлигида 1 та инъекцияда бешта касалликка қарши пентавалент вакцинаси, боланинг 2 ва 3 ойлигида диарея касалликларига

қарши ротарикс вакцинаси билан эмлаш киритилди. Бундан ташқари, 1 ёшгача бўлган болаларни 2015 йилдан пневмококк инфекциясига қарши вакцина билан эмлаш режалаштирилган.

Матбуот анжуманида соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари оммавий ахборот воситалари вакиллари қизиқтирган барча саволларга жавоб беришди.

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ.  
Сурат муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

## Семинар

Жиззах вилояти

## НАЗОРАТ, МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК ҲИССИ

## семинар иштирокчилари эътиборида бўлди

дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусида халқаро конференция хусусида тўхталиб, унда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори Жужанна Якобинг йўлидаги фикрларига эътибор берилди. «Ўзбекистонда соғлом

**белгилаб олинганлиги тўғрисида куйидагиларни гапириб ўтди:**

– Давлат дастурининг асосий йўналишлари жойларда, айниқса бирламчи тиббий-санитария муассасаларида аёллар, болалар ва ўсмирлар учун тиббий хизмат самарадорлиги ва сифати, ҳоми-

ёрлари тасдиқланган 161-, 456-, 100-сонли буйруқлар қабул қилинди. Шунингдек, вазирликнинг яна бир муҳим, яъни 2014 йил 13 январдаги 11-сонли буйруғига асосан, 20 январдан 31 августга қадар ҚВП ва оилавий поликлиникаларда республикадаги аҳоли тўлиқ туман/шаҳар кўптармоқли поликлиникаларнинг тор соҳа мутахассислари томонидан ва вилоят муассасалари мутахассисларини жалб қилган ҳолда чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ташкиллаштирилиб, вазирликнинг 2013 йил 13 ноябрдаги 380-сонли буйруғига асосан, вазирликда марказий, ҳудудий ва туман/шаҳар тиббиёт бирлашмалари қошида бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш штаби тузилди. Штаб ушбу муассасаларнинг даволаш-профилактик тадбирлари асосий кўрсаткичлари, тиббиёт ходимларининг билим ва амалий кўникмаларни эгаллаганлик даражаси, моддий-техник база-

Демак, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Бухоро, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида бўлиб ўтган семинарларда асосан бирламчи тизимга оид чиқарилган қарор ва буйруқларнинг ижроси кўриб чиқилди. Семинар олдида вазирлик томонидан ташкил этилган махсус гуруҳ

ўтди.

Семинар кун тартибига мувофиқ, вазирликнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи С. Исмоилов маъруза қилиб, республикада аҳоли репродуктив саломатлигини мустақкамлаш бўйича амалга



турмуш тарзи ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг ФАО ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Халқаро комиссияси томонидан қабул қилинган озиқ-овқат халқаро стандартлари тўплами – Алиментарий кодекс, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашни тизимли асосда қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, ижтимоий тенглик ва адолатни таъминлашга қаратилган «Саломатлик – 2020» стратегиясини амалга оширишдаги иштироки эътиборга сазовордир».

Сўнгра Жиззах вилояти ҳоқими С. Исмоилов бугунги кунда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ишлар ва унинг натижасида жамиятимиз тараққиётининг кундан-кунга равнақ топиб, халқимиз турмуш фаровонлиги ошиб бораётганлиги, шу билан бирга ҳар бир йил Юртбошимиз томонидан ўзига хос ном билан аталаётганлиги эзгу ишларимизнинг бардавомлигини қайд этди. Шу жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ишларнинг сифат даражаси кўтарилиб, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат янада яхшиланиб бораётганлиги ва бунда давлатимиз раҳбарининг соҳага қаратаётган эътибор ва ғамхўрликларининг ёрқин ифодаси эканлигини таъкидлаб ўтди.

Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган фаолиятлар, Инвестиция дастури асосида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, муассасаларнинг замон талаблари даражасидаги янги технологиялар билан таъминланиши ҳамда аҳоли репродуктив саломатлигини мустақкамлашга бағишланган видеоролик иштирокчилар диққатига ҳавола этилди.

**Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов "Соғлом бола йили" Давлат дастури бўйича аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлигини мустақкамлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида ўз фикрини билдириб, тизимда мазкур дастур доирасида устувор вазибалар**

(Давоми. Боши 1-бетда).

ладор аёллар ва гўдақлар, болалар ва ўсмирларга перинатал ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, юқумли касалликлар профилактикаси, аҳоли овқатланиши ва саломатлигини яхшилаш билан боғлиқ. Инвестиция дастури доирасида тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустақкамлаш ва уларни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жи-

ҳозлаш, кадрлар малакасини ошириш, уларни етук хорижий клиникалар ва марказларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва ўқитиш ҳамда тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш замон талабидир. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тамаки, алкоголь ичимликларни, гиёҳванд моддалар истеъмол қилишнинг олдини олиш, юқумли касалликларни, шу жумладан ОИВ/ОИТС касаллигини профилактикаси, яқин қариндошлик ва эрта никоҳларнинг олдини олиш, салбий таъсири камайтириш, аёллар ҳамда болаларнинг тўғри овқатланиши масалаларига бағишланган комплекс чора-тадбирлар, жумладан семинар, давра суҳбати, аҳоли билан учрашувлар ташкил этиш, тизимнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш Давлат дастурининг мазмун-моҳиятига сингдирилган. Дастур бўйича вазирликнинг махсус режаси ишлаб чиқилган бўлиб, юқорида тилга олиб ўтилган масалалар ижросига эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 мартдаги 50-сонли қарори асосида Молия ҳамда Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктларининг янги штат меъёрлари тасдиқланиб, бу борадаги ишлар яхлит тизимга солинмоқда. Қарорда келтирилган мақбуллаштирилиши керак бўлган 243 та қишлоқ врачлик пунктдан май ойи якунига кўра, 210 та ҚВП мақбуллаштирилди. Вазирлик томонидан БТСЕ муассасаларида профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш, ҚВП, ОПнинг шифокор ва ўрта тиббий ходимлари юклама меъ-

ёзolari бирламчи тизим фаолиятлари билан чуқур танишган ҳолда тахлилий натижаларга таяниб, иш олиб бордилар.

Чуқурлаштирилган тиббий кўрик талаб даражасида олиб борилмаганлиги аниқланди. Айниқса, тармоқ режасига риоя қилинмаслик, бригадалар тор соҳа мутахассислари билан тўлиқ таъминланмаганлиги (невропатолог, ЛОР, эндокринолог, стоматолог), лаборатор, инструментал текширувлар тўлиқ ҳажмда бажарилмаганлиги (қон таҳлилида фақат гемоглобин кўрилади, 10 ёшгача бўлган болалар гижжа тухумига таҳлил қилинмайди, флюорографиядан ўтказиш паст), антропометрик текширувлар сифатсиз ва тўлиқ ҳажмда эмас (фақат оғирлик ва бўй ўлчанади), ёзувлар қисқа, ҳисоботлар тўлиқ олиб борилмаган, тиббий кўрик ташкиллаштирилишида вазирлик томонидан берилган йўриқнома ва алгоритмга нисбатан тўлиқ бажарилмаган. Бу камчиликлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг айрим туманларида кузатилади. Жумладан, чуқурлаштирилган тиббий кўрик талаблари фақат Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида тўғри йўлга қўйилганлиги аниқланди.

Вазир ўз сўзида бундай камчилик ва муаммолар такрорланмаслигини алоҳида тилга олди. Шунингдек, вазирликнинг 2014 йилдаги, яъни «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг асосий устувор йўналишларига эътибор қаратди. Жумладан, бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари, шошилинч тиббий ёрдам муассасалари, ихтисослаштирилган марказлар ва ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни даволаш муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли репродуктив саломатлигини мустақкамлаш, кадрлар масаласига эътибор қаратиш, молиялаштириш ва бюджетдан ташқари маблағлар кўламини ошириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ва ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларига эътибор қаратиш зарурлигини гапириб

2013 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида ўтказилган ҚВП мудирларининг аттестацияси натижалари уларнинг билим даражаси замонавий талабларга жавоб бермаслигини кўрсатди. Натижада 872 нафар (27 фоиз) ҚВП мудирлари эгаллаб турган лавозимига нолойик деб топилди ва 66 фоиз (2114 нафар) аёллар ҚВП мудирлари этиб тайинланди. Тизимдаги ижобий фаолиятларга тўхталадиган бўлсак, кўплаб самарали ишлар амалга оширилди. Ишонч билан айта оламки, кўплаб тиббиёт муассасаларимиз замон талаблари даражасида бунёд этилган бўлса, айримлари тўлиқ реконструкциядан чиқарилиб, янги технологиялар билан таъминланди. Бунинг баробарида кадрлар масаласига эътибор қаратилиб, уларнинг ишлашлари учун барча шароит ва имкониятлар тўлиқ яратилди. Ҳар бир тиббиёт ходими ўз касбига жиддий ёндошган ҳолда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда бор билим ва маҳоратини аямаслиги зарур. Бугунги семинар доирасида республика миқёсида бирламчи тизимда олиб борилган ишларга асосий урғун қаратмоқчиман. Шу ўринда ҳақли савол туғилиши табиий. Бирламчи тизимга оид Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва вазирликнинг махсус буйруқлари қай даражада бажарилаяпти?

оширилган ишлар самарадорлиги тўғрисида алоҳида тўхталди. Бунинг баробарида мазкур йўналишда учраётган муаммо ва камчиликларга ўз эътирозини билдириб ўтди. Шунингдек, «Ўзтибтехника» МЧЖ раҳбари Жамшид Алимов «Тиббиёт асбоб-ускуналарининг техник ҳолати мониторингини ташкил қилиш тўғрисида»ги вазирликнинг 2010 йил 31 мартдаги 101-сонли буйруғи ижроси бўйича маъруза қилиб, мазкур йўналишда йўл қўйилаётган камчиликларга алоҳида урғу берди. Маърузачининг танқидий таҳлилларига муносабат билдирган вазир Анвар Алимов тиббий асбоб-ускуналарда фаолият қаратаётган мутахассисларнинг эътиборсизлиги ва лоқайдлиги натижасида юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, уларга нисбатан жазо чораларини кўриш ва назоратни кучайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Пўлат Бобоев тизимда амалга оширилаётган ишлар ҳамда йўл қўйилаётган муаммо ва камчиликларга алоҳида тўхталди. **Семинар давомида иштирокчилар вилоятдаги «Қизиқ» ҚВПсига ташриф буюриб, унинг фаолияти билан яқиндан танишдилар.** Куннинг иккинчи ярмида **секцион йиғилишлари бўлиб ўтди.** **Вазирлар Маҳкамасининг** 2014 йил 5 мартдаги «Қишлоқ врачлик пунктларини янада мақбуллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 50-сонли қарори асосида амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари томонидан маърузалар қилинди. Секцион йиғилишида Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов иштирок этди.

**Жиззах вилоятида аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ва мавжуд муаммолар тўғрисида»ги йиғилишда** Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларининг оналик ва

(Давоми 3-бетда).

# НАЗОРАТ, МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК ҲИССИ

## семинар иштирокчилари эътиборида бўлди



фокорлари вазифаларини белгилаб бериш бўйича муҳим тавсияларини бердилар.

**Мавлуда НОРҚУЛОВА,**  
**Қашқадарё вилояти**  
**соғлиқни сақлаш**  
**бошқармаси бошлигининг**  
**оналик ва болаликни**  
**муҳофаза қилиш бўйича**  
**ўринбосари:**

– Кенг аудиторияда ўтказилаётган республика семинарларида иштирок этар эканман, аввало, ўз ишимиздаги ижобий натижаларни кўриш билан бирга мавжуд муаммо ва камчиликларга ҳам гувоҳ бўлиб келяпмиз. Муҳим мавзуларнинг қамраб олинганлиги ти-



болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосарлари, Жиззах ва Сирдарё вилояти репродуктив саломатлик маркази, Перинатал маркази директорлари, Жиззах вилояти туғруқ мажмуалари бош шифокорлари иштирок этиб, унда Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Лазиз Тўйчиев ҳамда вазирликнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Саидмурод Исмоиловлар тизимда олиб борилаётган фаолиятларга алоҳида эътибор қаратиб, учраётган хато ва камчиликларни бартараф этиш масалалари хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

**Шунингдек, «Аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдамни ташкиллаштириш, айниқса профилактик йўналишдаги тадбирларни амалга оширишда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф қилиш масалалари тўғрисида»**

(Давоми.  
Боши 1-2-бетларда).



вазирликнинг даволаш-профилактика ёрдамни ташкиллаштириш Бош бошқармаси бошлиғи Дониёр Миразимов ва бошқарма бош мутахассиси Барно Одилвалар Сирдарё ва Жиззах вилоятларида аҳоли репродуктив саломатлигини мустақамлаш ва профилактика йўналишидаги тадбирларни такомиллаштириш масалалари хусусида алоҳида тўхталиб, ҚВП координаторлари ва кўп тармоқли марказий поликлиника мудирлари, оилавий поликлиника бош ши-

зимдаги ҳар бир йўналишнинг бирламчи тизимга дахлдор эканлиги очиқ-ойдин намоён бўлмоқда. Демак, бирламчи тиббиёт тизимидаги ишлар қанчалик тўғри йўлга қўйилсагина бугуннинг асосий талабига айланган инсон саломатлигига эришиш муҳимлигини кўрсатмоқда.

Семинар давомидаги тиббиёт муассасалари фаолияти билан яқиндан танишиш, шу билан бирга секцион йиғилишларнинг ўзаро мулоҳазаларга

бой бўлаётганлиги олдимизда турган устувор вазифаларни белгилаб бермоқда.

Давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳа мутахассисларининг олдида катта талаб қўяётганлиги бежиз эмас. Бу албатта, соғлом онадан соғлом фарзандларнинг дунёга келишига қаратилган энг муҳим вазифадир.

**Гулноза ХАДЖИМЕТОВА,**  
**Самарқанд вилояти**  
**соғлиқни сақлаш**  
**бошқармаси амбулатор**  
**поликлиника бўйича бош**  
**мутахассиси:**

– Мазкур семинар кун тартибдан ўрин олган мавзулар ва шўъба йиғилишларида долзарб масалаларнинг кенг қамраб олинганлиги ҳамда давлатимиз

томонидан бирламчи тизим фаолиятига оид чиқарилган қарор ҳамда вазирликнинг буйруқлари ижроси муҳокама қилинар экан, бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар барчамизни виждонан ишлашга ундайди.

Бирламчи тизимда меъерий ҳужжатларни тўғри юритиш, чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни ўз вақтида тармоқ режаларига амал қилган ҳолда ўтказиш, шунингдек вазифамизга нисбатан масъул бўлишимиз муҳимлиги семинар давомида кўп бора таъкидланди. Эндиликда кузатилаётган мавжуд муаммо ва камчиликларни қайта такрорлашмаслигимиз, шу билан бирга Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифаларни бекам қўст бажаришимиз зарурлигини замон талаб қилмоқда.

**Хулоса ўрнида айтиш муҳимки, республика миқёсида ўтказилаётган кенг қамровли семинарларнинг ҳудудлар кесимида таҳлил қилинаётганлиги жойларда учраётган муаммо ва камчиликларни бартараф этишда, қолаверса мутасадди раҳбарларнинг ўз ишларига масъулият ва жавобгарлик билан ёндашишларига катта замин яратмоқда.**

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

### Шифокор ён дафтарида

## МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

**Бирламчи тиббий санитария муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, тиббий хизмат сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича вазирликнинг 80-, 212-, 161-, 456- ва 11-буйруқлари чиқарилган бўлиб, айни кунда мазкур буйруқлар ижроси бирламчи тизим фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлаётганлиги барчамизга маълум. Лекин, ушбу буйруқлар ижроси жойларда қандай кечаётганлиги ва республика миқёсида ўтказилаётган семинарларнинг таҳлилий натижаларига қараганда тўлақонли бажарилмаётганлиги кузатилаётганда.**

Шундай экан, юқорида баён қилинган барча буйруқлар ижро ҳолатини тизимли назорат қилиш мақсадида вазирликнинг 13-ноябрдаги 380-сонли буйруғи билан вазирликда “Бирламчи тиббий санитария ёрдами тизими фаолиятини мувофиқлаштириш” марказий штаби тузилди. Мазкур штаб аъзолари томонидан жойларда услубий ва амалий ёрдамлар берилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бироқ жойларга буйруқлар етказилган бўлсада, афсуски айрим шифокор ва ҳамширалар ҳанузгача уларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етмаяптилар. Шу боис, аҳоли ҳам ушбу буйруқлар моҳиятидан беҳабар қоляпти. Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда мавзуга оидлик киритиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика**

**ёрдамни ташкиллаштириш Бош бошқармаси мутахассиси Барно Одилова билан суҳбатда бўлди.**

– Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар натижасида аҳолига бирламчи тиббий-санитария хизмати кўрсатиш соҳасида тубдан ўзгаришлар амалга оширилганлиги ҳамда бирламчи тиббиётнинг миллий модели яратилганлиги барчамизга маълум. Дарҳақиқат, 1998-2011 йилларда “Саломатлик-1” ва “Саломатлик-2” лойиҳалари доирасида республикадаги 3192 та ҚВП умумий қиймати 76 млн. АҚШ доллари бўлган замонавий тиббий асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. 1056 та ҚВПга GSM стандартли стационар телефон аппарати ўрнатилди ва ҚВПларининг алоқа тизими билан таъминоти 97,7 фоизга етди. Қишлоқ аҳолисининг арзон ва сифатли дори-дар-

монлар билан таъминланишини яхшилаш мақсадида 2010-2013 йилларда 1200 дан зиёд ҚВПда дорихона шохобчалари ташкил қилинди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий санитария ёрдами сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида 2010 йилдан бошлаб консолидар харид йўли билан ҳар бир ҚВП эҳтиёжига кўра бирламчи ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур дори-дармон ва реактивлар харид қилинмоқда. Ушбу мақсадларга 2010 йилда 3,1 млрд. сўм, 2011 йилда 5,8 млрд. сўм, 2012 йилда 7,021 млн. сўм маблағ сарфланган бўлса, 2013 йилда 9 млрд. сўмдан ортик маблағ йўналтирилди. Бугунги кунда БТСЕ тизимида 7800 дан зиёд умумий амалиёт шифокорлари фаолият юритмоқда, уларнинг 5 мингдан зиёди “Саломатлик” дастурлари доирасида махсус 10 ойлик курсларда ўқитилди.

Ҳар бир қишлоқ врачлик пункти фаолиятида зарур бўлган меъерий ҳужжатлар – ҳар бир тиббий ходимнинг лавозим йўриқномаси, ҚВПда амалга оширилиши зарур бўлган текширувлар ва тиббий ёрдам ҳажми тасдиқлаб берилди. Умумий амалиёт шифокорлари Нобель ва Мёрте қўлланмалари, даволаш-диагностика жараёнини тасдиқланган стандартлар асосида таш-

кил қилиш мақсадида турли йўналишлар бўйича клиник қўлланмалар ва умумий амалиёт шифокорлари 2 жилдлик ўзбек ва рус тилларида қўлланма (справочник), ҳамширалар учун “Ҳаммабоп тиббий қўлланма” ва “Ҳамширлик жараёни бўйича” 2 жилдлик қўлланма билан таъминланган. Ҳар бир туман тиббиёт бирлашмасида шифокор ва ҳамширалар учун алоҳида ўқув хоналарида турли мавзуларда қисқа муддатли курслар ташкил қилинди. 2009 йилдан бошлаб республика тиббиёт олий ўқув юртлари ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари профессор-ўқитувчилари ва етук мутахассислари иштирокида 1312 та ҚВПда кадрлар малякасини ошириш, диагностика ва даволаш жараёнига стандартларни жорий қилиш, тиббий ҳужжатларни юритиш юзасидан андозавий қишлоқ врачлик пунктларини ташкил этиш бўйича тадбирлар олиб борилди. Ҳар ойда республика мутахассислари томонидан “Фертилъ ёшдаги аёллар, ўсимир қизлар ва болаларни соғломлаштириш ҳафталиклари” ўтказилиб, беморларни тизимли кўриқдан ўтказишда ҚВПларига амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган тиббий санитария

ёрдамнинг сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида вазирлик томонидан қатор тизимли ишлар амалга оширилди.

**2009 йил 23 мартда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 80-сонли буйруғи қабул қилинди.** Ушбу буйруқнинг 16 та иловаси билан қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритаётган ҳар бир ходимнинг лавозим йўриқномаси, ҚВПда кўрсатиладиган бирламчи тиббий санитария ёрдами ҳамда ўтказиладиган лаборатор текширувлар тури, ҳажми, ундаги мавжуд жиҳозлар ва бирламчи тиббий ҳисоб ҳужжатлар рўйхати ҳамда ҚВП паспорти шакли тасдиқланган. Қишлоқ врачлик пункти ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан юритса, ҳар бир тиббий ходимнинг иш кўлами, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу буйруқда аниқ кўрсатиб берилган. Шунингдек, беморларга ташхис қўйиш ва даволашда қишлоқ врачлик пунктлари билан

(Давоми 4-бетда).

## Шифокор ён дафтарига

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ФАОЛИЯТ  
САМАРАДОРЛИГИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

бошқа тиббиёт муассасалари, жумладан, туман кўптармоқли поликлиникаси ва шифохонаси билан узвийликни таъминлаш мақсадида тиббий хизматлар ҳажмида касалликнинг тури ва даражасидан келиб чиққан ҳолда қайси босқичда ҚВПда ташхис қўйилиши ҳамда даволаниши, реабилитация тадбирлари қайси муассаса томонидан ўтказилиши аниқ кўрсатиб берилиши билан бир қаторда касалликни аниқлаш, шунингдек, даволаш усуллари, ҳажми тўлиқ баён этилган. Шу билан бирга, буйруқнинг 15-иловасида ҚВП паспорти тасдиқлаб берилиши, юридик мустақил ташкилот ҳисобланган ҚВПни ташкиллаштириш ва инфратузилмаси ҳолати, молиявий фаолияти, хизмат доирасидаги аҳоли таркиби, тиббиёт ходимлари сони, малака тоифаси ва малака оширилганлиги билан бир қаторда унинг асосий фаолияти кўрсаткичлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш имконини беради. Ўз навбатида ҚВПнинг ҳар бир ходими учун ушбу буйруқ фаолият учун энг асосий дастур саналиб, ҳуқуқ ва мажбуриятларини билган ҳолда фаолият юритишга ундайди.

**Вазирликнинг ушбу 80-сонли буйруғи билан ҚВПда юритиладиган 27 турдаги бирламчи тиббий ҳисоб ҳужжатлари тасдиқланганлигига қарамай** вазирликнинг ишчи гуруҳи томонидан ҚВПда мавжуд тиббий ҳисоб ҳужжатлари ўрганилганда 4-типдаги бирламчи тизимда 234 турдан зиёд тасдиқланган ва тасдиқланмаган журнал шакллари юритилиши аниқланди. Ишчи гуруҳи томонидан ҚВПда юритилаётган тиббий ҳисоб ҳужжатларини мувофиқлаштириш мақсадида 13 та янги шаклдаги журнал жорий қилинди ва юритиладиган журналлар сони 48 тага камайтирилди. Ҳар бир ҚВП эҳтиёжига кўра, тиббий ҳужжатлар тўплами билан таъминланди. **Ушбу журнал шакллари вазирликнинг 2012 йил 20 июлдаги 212-сонли буйруқлари билан тасдиқлаб берилди.** Журнал шакллари тасдиқлаб берилиши биринчи навбатда республикадаги барча ҚВПларида юритилаётган тиббий ҳисоб ҳужжатларини ягона шаклга келтириш, улар сонини камайтириш тиббий ходимлар вақтини тежаб, бемор билан кўпроқ мулоқот қилишга имкон яратади. Шу билан бирга, юқорида қайд қилинган журнал ҚВП фаолияти юзасидан тайёрланган ҳисоботлар ҳаққонийлигини белгилаб берувчи асосий ҳужжатлардандир.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2013 йил 17 майда “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида”ги 161-сонли буйруқ қабул қилиниши** билан ҳар бир оила шифокорининг қабул меъёрлари, оила ҳамшираларининг лавозим йўриқномалари тасдиқлаб берилди.

Ушбу буйруққа асосан, ҳар бир бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаси кўптармоқли марказий поликлиника, ҚВП ёки оилавий поликлиникалар шифокорларининг қабул меъёрлари кўрсатиб берилди. Шу билан бирга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган буйруқларга асосан, ёши

ва жинсидан келиб чиқиб, ҳар бир аҳоли бир йилда неча марта профилактик кўриқдан ўтиши аниқ белгиланди. Шунингдек, буйруқларга асосан, лаборатор текширувларни қайси давр оралиғи билан ўтказиш кераклиги кўрсатиб берилди. Буйруқнинг 2-иловасида оила ҳамшираларининг лавозим йўриқномаси тасдиқланган бўлиб, вазирликнинг 2009 йилдаги 80-сонли буйруғидаги низомдан фарқли равишда оила ҳамширасининг ўз функционал вазифаларини бажариш жараёнида қандай амалий кўникмаларга эга бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилди. Бир ставкада ишловчи оила ҳамшираси 1 иш куни давомида 6 та хонадонда бўлиши керак. Оила ҳамшираси хонадонга бориб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиши, аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориши, шунингдек, бир ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор, ногирон, қариялар ва диспансер назоратидаги беморларни патронаж тизими билан қамраб олиши, шифокор кўрсатмасига биноан уй шифохона шароитида муолажани бажариши кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, бириктирилган аҳоли орасида касалликлар ва уларни юзгага келтириб чиқарувчи омилларни эрта аниқлаш мақсадида мазкур буйруқнинг 3-иловаси билан хонадоннинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш бўйича саволнома тасдиқланди. Ушбу саволнома асосида БТСЭ тизимида ишловчи шифокор ва ҳамширалар ўз ҳудудий аҳолиси орасида хонадонлар ҳолатини ўрганиб, улар саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва бартараф қилиш мақсадида ҳафталик маълумотларни хизмат доирасидаги маҳалла фуқаролар йиғинларига тақдим қилиб боришлари зарур. Ўз навбатида аниқланган муаммолар туридан келиб чиқиб, маҳалла фаоллари бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда муаммолар ечимини ҳал қилиши ва ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар буйруқнинг 4-иловасида тасдиқланган ҳисобот шаклларида ўз аксини топиши зарур.

**Шу билан бирга, вазирлик томонидан 2013 йилнинг 31 декабрида 456-сонли буйруқ қабул қилиниб,** ҚВП ҳар бир тиббий ходимининг 1 кунлик иш вақти дақиқалари билан тақсимлаб берилди. Бир нафар беморнинг патронажи қанча вақт сарфланиши керак ёки 1 болани эмлашга ёхуд 1 та мушак орасига, вена ичига инъекцияларга кетадиган вақтгача ҳисоблаб берилди. Шу билан бирга ҳар бир ўрта тиббий ходимга вазирликнинг 2009 йилдаги 80-сонли буйруғи билан тасдиқланган функционал вазифаларидан келиб чиқиб, улар ижроси учун вақт меъёрлари кўрсатиб берилди. Ушбу меъёрларга асосан нафақат ҚВП фаолиятини назорат қилувчи масъул ходимлар (туман кўптармоқли поликлиника мудири, ҚВП координатори, туман бош ҳамшираси, ҚВП мудири ёки катта ҳамшира), балки ўрта тиббиёт ходимининг ўзи ҳам юклама меъёрларини қай даражада бажараётгани, кун давомида бажарган ишлари ҳажми иш вақтига тўғри келиш-келмаслигини шахсан назорат қилиши мумкин.

Аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш, туман кўптармоқли марказий поликлиникаларининг қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар билан ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида 2014 йил 13 январда вазирликнинг “Аҳоли ора-

сида чуқурлаштирилган тиббий кўриқларни ташкиллаштириш тўғрисида”ги 11-сонли буйруғи қабул қилинди. Ушбу буйруқ талабларидан келиб чиқиб, туман/шаҳар тиббиёт бирлашмалари таркибидаги кўптармоқли марказий поликлиниканинг тор соҳа мутахассислари томонидан бириктирилган аҳоли ёппасига чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш зарур. Чуқурлаштирилган тиббий кўриқнинг асосий мақсади касалликларни эрта аниқлаш, бартараф қилиш чораларини кўриш орқали аҳоли орасида ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтиришга эришишдан иборат. Мазкур буйруқнинг 1-иловасида чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар алгоритми тасдиқланган бўлиб, жараёнда ҳар бир аҳоли ёши ва жинсидан келиб чиқиб қандай мутахассислар кўригидан ўтиши ҳамда антропометрик, лаборатор ва инструментал текширувлардан ўтказилиши лозимлиги кўрсатиб берилди. Буйруқнинг 2-иловасида чуқурлаштирилган тиббий кўриқларнинг ўтказиш тартиби тасдиқлаб берилди, ушбу илова чуқурлаштирилган тиббий кўриқларни ташкиллаштириш, тиббий ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларини расмийлаштиришда зарур йўриқнома бўла олади. Чуқурлаштирилган тиббий кўриқ – бу тизимли чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, бир неча соҳа мутахассислари томонидан тиббий кўриқ, белгиланган лаборатор текширувлардан ўтказиш, зарурат туғилганда кўшимча лаборатор ва инструментал текширувларни белгилаш, якуний ташхисни аниқлаш натижасида саломатлик гуруҳларига ажратиш ҳамда профилактик кўриқлар, даволаш-соғломлаштириш тадбирлари ва касаллик аниқланган беморларнинг динамик кузатувларини ўз ичига олади. Аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқлардан 1 йилда 1 марта яшаш жойидаги туман/шаҳар кўптармоқли поликлиникаларнинг тор соҳа мутахассислари томонидан ўтказилади.

Тиббий кўриқни ташкиллаштиришда куйидаги вазифалар босқичма-босқич бажарилиши лозим:

– тиббий кўриқдан ўтувчи контингентни аниқлаш ва алгоритмга кўра тор соҳа мутахассислари рўйхатларини тузиш;

– тиббий кўриқ жараёнида ўтказиладиган лаборатор ва инструментал текширувлар ҳажмидан келиб чиқиб, асбоб-ускуналар ишчи ҳолатини назоратдан ўтказиш, носозликлар бўлса бартараф қилиш;

– текширувларни ўтказиш учун зарур бўлган тиббий жиҳоз, реактив ва сарф материалларининг керакли микдордаги захирасини тайёрлаш;

– ҳар бир ҳудуднинг географик жойлашуви, аҳоли ва кўптармоқли поликлиника мутахассислари сонидан келиб чиққан ҳолда педиатрик – 0-18 ёшли болалар, терапевтик – 18 ёшдан катталар учун махсус бригадаларни шакллантириш;

– тиббий кўриқдан ўтувчи контингент ва бригадалар сонидан келиб чиқиб аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш, тармоқ режасини тузиш ва тасдиқлаш;

– тиббий кўриқларни сифатли ташкил қилиш ва аввалдан тайёргарлик кўриш мақсадида ушбу тармоқ режасини тиббий кўриқ ўтказиладиган (ҚВП, ОП, ТКТМП) ва тор соҳа мутахассислари жалб қилинадиган (вилоят шифохоналари, ихтисослаштирилган диспансер ва бошқа АПМлар) даволаш-профилактика муассасалари ҳамда мактабгача таълим, мактаб ва бошқа ўрта таълим муассаса-

ларига етказиш;

– тиббий кўриқни ўтказишдан аввал ҳудудий оилавий поликлиника ёки қишлоқ врачлик пункти томонидан бириктирилган аҳолини тегишли лаборатор ва инструментал текширувлардан ўтказиш ҳамда текширув натижалари ва антропометрик ўлчовлар амбулатор карталарга (ф 112/у ва 025/у) қайд қилиниб, кўриқ кунига тайёрлаб қўйиш;

– амбулатор карталарда қайдлар бевосита тиббий кўриқда иштирок этган шифокорлар томонидан кўриқ кунини ёзилиши, ёзувлар қисқа бўлмаслиги ва ҳақиқий объектив ҳолатни акс эттириш;

– тиббий кўриқда иштирок этувчи шифокорларнинг махсус тиббий кийимда бўлиши ва кўриқ учун зарур асбоб-ускуна, анжомлар билан тўлиқ таъминлаш;

– ноаниқ тиббий ҳолатлар юзга келган ҳолатда ташхисни аниқлаштириш учун кўшимча текширувлар ва мутахассислар кўригига юбориш.

Кўриқ натижалари ҳар бир даволаш-профилактика муассасаси (ҚВП, ОП) бўйича ёшлар кесимида, муассасалар бўйича туман тиббиёт бирлашмасининг ташкилий бўлими томонидан тайёрланади. Ҳисоботлар вазирлик томонидан белгиланган тартибда тайёрланиб, юқори ташкилотлар (Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари)га белгиланган тартибда тақдим қилинади. Ҳисоботларнинг иккинчи нусхаси вазирлик томонидан тасдиқланган шаклларда туман ДСЭНМга ташкиллашган болаларга МТМ, мактаб ва бошқа ўқув муассасаларида яратилган санитар-гигиеник шароитлар ҳолати ҳамда уларнинг саломатлигига зарарли таъсир қилувчи ва касаллик келтириб чиқариш эҳтимоли бўлган омилларни аниқлаш, тарбияланувчи ва ўқувчиларнинг овқатланиш назоратини ташкил қилиш учун тақдим этилади.

Тиббий кўриқ натижалари юзасидан маълумотлар туман тиббиёт бирлашмаси томонидан таҳлил қилиниб, аҳоли саломатлик гуруҳлари аниқланади ҳамда натижалардан келиб чиқиб, оила шифокори аниқланган касаллик тури, босқичи ва даврига асосан, ҳар бир аҳолига индивидуал тарзда ёндошиб, касалликларнинг асоратлини хавфи бўлганлар учун динамик кузатувлар, махсус даволаш ҳамда соғломлаштириш тадбирлари мажмуаси амалга оширилса, сурункали хасталиги бор беморларда касалликнинг асоратлари ривожланмаслиги, тургун ремиссияга эришиш ва ҳаёт сифатини ошириш бўйича соғломлаштириш тадбирларини амалга оширади ва диспансер назорати орқали динамик кузатувга олади. Тиббий кўриқ вақтида организм фаолиятида ҳеч қандай ўзгаришлар топилмаган, касалликлар ривожланишига шариот туғдирадиган салбий омилларга эга бўлмаган, тиббий фаоллиги юқори, сурункали ёки

ўткир касалликларга чалинмаган аҳоли билан соғлом турмуш тарзи юритиш ва касалликлар профилактикаси бўйича санитария ва тушунтириш ишлари ўтказилади. Оила шифокорининг асосий мақсади ана шу гуруҳдаги аҳоли сафини, профилактик йўналишдаги тадбирларни кенгайтириш орқали соғломлаштиришга эришилади.

**2014 йил 2 январдан фаолият юрита бошлаган марказий штаб таркибида 5 та ишчи гуруҳ бўлиб, штаб раиси вазирнинг биринчи ўринбосари ҳисобланади.** Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари қошида ҳудудий ҳамда туман/шаҳар тиббиёт бирлашмалари қошидаги штаблар тузилиб, уларнинг вазифалари ушбу буйруқ билан тасдиқлаб берилди. Бундай штабларнинг ҳар бир ҳудуд, ҳар бир туманда ташкил қилиниши ва фаолият юритишига Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари шахсан жавобгарлиги белгиланган. Энди ҳар бир ҚВП ёки ОПнинг фаолияти тизимли равишда мониторинг қилинади ва яхши ишлаганлар меҳнати моддий рағбатлантириб борилади. Ўз фаолиятини тўғри ташкил қилмаган, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда яхши кўрсаткичларга эришмаган, юкломаларини бажармаган ҚВП ёки ОП ходимларига нисбатан интизомий ва молиявий жазо чоралари қўлланилиши белгиланган. Штаб аъзоларининг асосий вазифаси ўз ҳудудида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий санитария ёрдами ҳолатини ҳар бир ДПМга масъул ходимлар белгиланиши орқали назоратини амалга ошириш ҳамда тизимли ўрганишларни ташкил қилишдан иборатдир. Ўрганиш натижалари ҳар ҳафтада ўтказиладиган штаб йиғилишларида муҳокама қилиб борилиши, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиши бўйича зарур чоралар қилиши ва уларнинг ижро ҳолати назоратини амалга ошириши керак.

Шу билан бирга, штаб аъзоларининг асосий вазифаларидан бири – ушбу масалаларга масъул ходимлар жалб қилинган ҳолда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолияти юзасидан тайёрланадиган даврий ҳисоботларни қабул қилиш, таҳлил қилиш ва ҳаққонийлигини ўрганиш ҳамда туман/шаҳар миқёсида ўтказиладиган йиғилишларда ижрочилар иштирокида муҳокама қилиш, ҳато ва камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш ёки фаолиятида яхши натижаларга эришадиган тиббий ходимлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича маъмуриятга таклифлар кириштириш ҳисобланади.

